



■ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚНИ ЧЕКЛАШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Фуқароларнинг хоҳиш-иродасини ҳеч бир монеликсиз рўйида чиқариш, сўз эркинлиги, фикр эркинлигини таъминлаш одил ва демократик сайловларнинг тўғри мазмун-моҳиятини ташкил этади. Шунинг учун сайлов билан боғлиқ қонун-қондалар, тартиб-таомилларни бузиш тақиқланади. Миллий қонунчилигимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосята амалга оширилади. Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси битта овозга эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва маънавий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинсига, маъмурияти, тили, динига муносабатига, машғулоти ва ҳуқуқига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосята ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Давлати 2-бетда.

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ

ижтимоий хизматлар сифати оширилиши тарафдори

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, Ер юзиде 2025 йилга келиб 60 ёшдан ошган аҳоли 1,1 миллиарддан ортиб, ўтган асрга нисбатан 5 баробар кўпайиши кутилмоқда. Мамлакатимизда эса 20 йилдан кейин 60 ёшдан катталар сони аҳолининг 20-30 фоизини ташкил этади. Бу рақамлар ижтимоий хизматга эҳтиёжманд аҳоли сони ортишини кўрсатади.

2

■ 4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ



ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИ БИЛАН ТАНИШДИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси узок муддатли кузатувчилари Всеволод Перевозчиков ва Хартвиг Гантрам Ганс Кабоз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси аъзолари билан учрашди.

Округ сайлов комиссияси раиси У.Жалмонов халқаро кузатувчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси жараёнида, округ сайлов комиссияси ваколатлари ва олиб борилаётган ишлар, амалдаги қонун талаблари асосида округ сайлов комиссияси томонидан 591 сайлов участкаси тузилгани ва улар талаб даражасида жиҳозлангани, сайловга оид тегишли адабиётлар билан таъминлангани, сайловолди тарғибот тадбирлари очилиши, тенглик ва холислик таъминллари асосида олиб борилаётгани ҳақида сўзлаб берди.

Округ сайлов комиссияси фуқароларни комиссия фаолиятдан мунтазам хабардор этиб бораётгани, бунда оммавий ахборот воситаларининг имкониятидан самарали фойдаланилаётгани таъкидланди. Округ сайлов комиссияси ҳузурида сайловни ёритиш бўйича матбуот маркази ташкил этилган.

Халқаро кузатувчилар округ сайлов комиссиясининг самарали фаолият олиб бориши учун яратилган шароитлар билан танишди.

А.ОРИҚБОВ,
ЎзА мухбири.

Пойтахтимиздаги Учтепа қурилиш-коммунал касб-хунар коллежида «Хотин-қизларнинг сайловдаги иштироки» мавзусида семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Марказий сайлов комиссияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Учтепа тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда хотин-қизлар бошланғич тузилмаларининг вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, уй бекалари иштирок этди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бугунги кунга қадар миллий сайлов тизимига оид қонунчиликка бағишланган туркум давра суҳбатлари, учрашувлар, семинарлар ташкил этилиб, уларда турли жабҳаларда меҳнат

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОРТМОҚДА

қилаётган хотин-қизлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, сайловда илк бор қатнашувчи қизлар иштирок этмоқда.

Тадбирда иштирокчиларга қафолатлари тўғрисидаги қонунлар юзасидан ҳамда Президент сайловининг мамлакатимиз ва халқимиз ҳаёти учун аҳамияти, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг овози давлатимиз келажаги ва халқимизнинг эртанги фаровон турмуши учун қандай аҳамият касб этиши билан боғлиқ турли мавзулардаги саволлар тарқатилди ва унга семинарда қатнашаётган

аёлларнинг муносабати тингланди.

— Маҳалламизда 2 минг 200 аҳоли истиқомат этиб, уларнинг 1 минг 147 нафари сайловларда иштирок этади, — дейди Учтепа туманидаги «Хуршид» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Феруза Абдурахимова. — Маҳалламиз ҳудудидаги 68-сайлов участкаси масъулари билан бирга уй бекалари, нуруний онахонлар, алоҳида эҳтиёжли фуқаролар, сайлов жараёнида биринчи марта қатнашувчи ёшлар учун миллий сайлов тизимига оид қонунчилик моҳиятини тушуништириш юзасидан тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ҳар бир сайлов участкасида тиббиёт хонаси, она ва бола хо-

наси зарур восита ва анжомлар, жиҳозлар билан таъминлангани, барча фуқароларнинг овоз беришлари учун кенг шароитлар яратилгани аёллар, нуруний онахонларнинг муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирокига оид кўрсатилган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Иштирокчилар сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳияти, сайловларнинг жамиятимиз тараққиётидаги аҳамияти, сайловчилар ҳуқуқлари ва бошқа масалалар юзасидан саволларига жавоб олди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

УЧАСТКА САЙЛОВГА ТАЙЁР

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси томонидан ҳудудда тузилган 1030 сайлов участкасида сайловни юксак савияда ташкил этиш учун барча зарур шароит яратилмоқда.



Жомбой туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби биносиде жойлашган 260-сайлов участкасида Самарқанд ва Зарафшон маҳаллаларининг аҳолиси овоз

беришда иштирок этади. Комиссиянинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча имконият яратилган. Замонавий компьютер ва алоқа воситалари, зарур меъбела ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Участкага Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонун ва қўлланмалар, қабул қилинган қарарлар, турли инфографикалар, сайлов варақчалари ва сайловчилар учун таклифномалар етказиб берилган. Тиббиёт, она ва бола хоналари керакли ашёлар билан жиҳозланган.

— Ҳар бир тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, қонунчиликда белгиланган муддатларда амалга оширилмоқда, — дейди 260-участка сайлов комиссияси раиси Ҳасан Саидов. — Маҳаллалар кўмағида ҳудудда доимий ва вақтинча

яшаётган 2 минг 203 нафар, жумладан, овоз беришда биринчи марта иштирок этадиган 83 сайловчи рўйхати тузилиб, барча танишиб чиқиш учун сайлов участкасига жойлаштирилди. Сайловчиларга 4 декабрь кунини овоз беришда қатнашиш тўғрисида таклифномаларни тарқатмоқдамиз. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссияси аъзолари ҳамда экспертлари томонидан бир неча босқичда ўтказилган семинарларда сайловчилар, айниқса, ёшлар сайлов борасидаги билимини бойитмоқда.

Участкага муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш мақсадида сайлов варақчалари келтирилди. Сайловчилар муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва тартибларидан хабардор қилинди.

Ҳ.ХАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

■ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ: САВОЛ ВА ЖАВОБ

ТАРТИБ-ҚОНДАЛАР АНИҚ ВА ҚАТЪИЙ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ жараёнлар сайловчилар, кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакат раҳбарини сайлаш қай тартибда, қандай мезонлар асосида ўтиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти.

Тахририятимизга фуқаролардан келаётган сайлов билан боғлиқ турли саволлар ҳам бунини кўрсатиб турибди.

Қонунчилигимизда муддатидан олдин овоз беришнинг қандай нормалари белгиланган?

Умиджон АБДУЛЛАЕВ,
хусусий тадбиркор (Андижон вилояти).



Дилмурод Саъдуллаев,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг,

оммавий ахборот воситалари вакиллари эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз бериш амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунини бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камиде икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади. Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясига қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Президент сайлови кунини сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда қатнашишга кимлар ҳақли? Умуман, бу жараён қандай ўтказилади?

Шаҳзода НИШОНБОВЕВА,
Олмасор туманидаги 120-мактабгача таълим
муассасаси тарбиячиси.



Комила Каримова,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

шунингдек, бюллетень олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди. Сайлов қўтилариде бўлган бюллетенлар ва сайлов варақчалари асосида комиссия овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини, ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ҳамда ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар, варақчалар сонини аниқлайди. Сайловчилар томонидан бюллетенларга ва варақаларга қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилияларини бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақчалари, шунингдек, овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга белги қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган бюллетенлар ва варақчалар ҳақиқий эмас, деб топилди. Сайлов бюллетенининг, варақчасининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва баённомада акс эттирилади.

Баённома комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

■ Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича парламент назоратини кучайтириш зарур.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ижтимоий хизматлар сифати оширилиши тарафдори

Хўш, бугун юртимизда аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш қай тартибда йўлга қўйилган? Уларнинг сифат даражаси қандай? Бу борадаги меъёрий ҳужжатлар ижросида қандай ютуқ ва камчиликлар бор?

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси мажлисида шулар ҳусусида атрофлича фикр юритилди.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш ва бошқа вазирлик, идоралар, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, Ногиронлар жамоияти, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари иштирок этди.

Мажлисида ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, улардан ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари фойдаланиши имкониятларини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Таъкидландики, Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида ижтимоий хизматлардан фойдаланиш учун тенг шароитларни таъминлаш устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кам даромадли оилаларга, аввало, ногиронлар, ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш борасида қатор муҳим вазифалар белгиланган.

Депутатлар, айниқса, олис қишлоқлар аҳолисига

мақбул ва малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини янада яхшилаш муҳимлигини алоҳида қайд этишди.

— Халқ фаровонлиги, фуқаролар кайфияти ва ижтимоий фаоллиги кўп жиҳатдан уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар даражаси ва сифатига боғлиқ, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Собитхон Тўрғунов. — Шунинг учун Ўзбекистон ХДП фракцияси бу соҳадаги ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларнинг самарадорлигини ошириш лозим, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон ХДП фракцияси ўз фаолиятида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, кучли ижтимоий сиёсатни юритишда давлатнинг тартибга солувчилик ролини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий хизматлар бўйича парламент назоратини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз кўп. Мисол учун, ногиронларнинг ижтимоий инфратузилмадан, шу жумладан, турар-жой ва бинолар, транспорт коммуникацияларидан тўсқинлиқ фойдаланиши учун шароитларни яхшилаш, аҳоли пунктлари, бино ва иншоотларни ногиронларга мослаштирилганлигини ҳисобга олиб лойиҳалаштириш масалаларига эътиборни янада кучайтиришimiz керак.



— Республикаларимизда 2 миллиондан ортиқ пенсионер, 16 минг нафардан ортиқ ўзгалар ёрдамига муҳтож шахслар, 50 минг нафардан зиёд меҳнат фронти қатнашчилари мавжуд бўлиб, уларга вазирлик ва идоралар томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатиб келинмоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Баҳодир Шарапов. — Давлат бюджетидан ҳар йили аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга 2,5 триллион сўмга яқин маблағ сарфланади. Бюджет маблағларининг қарийб 60 фоизи айнан ижтимоий соҳага йўналтирилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кексалар ва ногиронларга

тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш, ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 10 республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва 3 мингга яқин қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, туман ва шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникаларда аҳолига юқори малакали, тиббий профилактик хизматлар кўрсатилмоқда. Тиббиётнинг йигирмадан зиёд йўналиши бўйича мингдан

ортиқ даволаш-диагностика стандартлари ишлаб чиқилди. Келгусида ҳам бу ишлар изчил давом эттирилади.

— Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари, шу жумладан, кексалар ва ногиронларни ҳимоя қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши раиси Шухрат Усмонов. — Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида кексаларимизнинг турмуш даражаси ва яшаш шароити янада яхшиланяпти.

Бугунги кунда юртимизда 80 ёшдан ошган инсонлар

225 минг, 100 ёшдан ошганлар 8700 нафарни ташкил этади. Айни пайтда юртимизда 2 минг нафарга яқин Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилмоқда. Кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамisha эътиборимизда. Ҳар йили 35 минг нафар кекса ва ногирон санаторийларда бепул соғломлаштирилмоқда. Ўзгалар ёрдамига эҳтиёжманд пенсионер ва ногиронлар учун бериладиган махсуслотлар тури 15 тага етказилди.

Кекса ёшдаги аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида 4 махсус электрон дастур ва интерактив хизматлар ишга туширилди. Бу орқали ёлғиз кексалар ва ногиронлар уйда ўтирган ҳолда турли ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди.

Фракция аъзолари имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солиш учун қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назоратни янада кучайтириш зарурлиги тўғрисида таклифлар билдиришди.

Мажлис якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ БИЗНИНГ НОМЗОДГА
ОВОЗ БЕРИНГ!

Ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувлари

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновнинг ишончли вакили Носир Сиддиқов Жиззах шаҳри ва Жиззах туман сайловчилари билан учрашди.

Дастлаб ишончли вакил сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва унинг дастури билан таништирди. Хусусан, номзодимиз Сайловолди дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш, кам таъминланган оилалар манзилли ижтимоий ҳимоясининг самарадорлигини янада ошириш, аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди.

— Номзодимиз дастурида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, оилалар даромадини кўпайтириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган, — деди у. — Масалан, кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақаларни, ўз бизнесини ташкил этиши учун мақсадли фойдаланиш шарти билан бир марталик тўлов шаклига ўтказиш механизмининг жорий этиш бўйича таклиф билдирилган. Бу мустақил иш бошлашга иштиёқи ва қизиқиши бор, лекин қўлида етарли маблағ бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул йўлидир.

Номзоднинг дастурида илгари сурилган бошқа таклифлар ҳам атрофлича баён этилди. Учрашувлар давомида сайловчилар дастурнинг ҳаётий муҳим жиҳатлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Номзодимиз дастурида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, оилалар даромадини кўпайтириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

— Партияимизнинг устувор ғояларидан бири ижтимоий ҳимоядир, — деди халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Солижон Қобилов. — Президентликка номзоднинг дастурида бу тизимнинг самарадорлигини ошириш бўйича қатор таклифлар ўрин олган. Яъни аёллар, касб-хунар коллежини битирган ёшлар учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларни касаначиликка кенгроқ жалб этиш, ногиронлар меҳнат қилиши учун ихтисослашган корхоналар ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, уларни ижтимоий фаол қатламга айлантириш чораларини кучайтириш лозимлиги қайд этилган. Бу таклифлар ижтимоий-иқтисодий фаоллик янада ортишида муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Шунингдек, учрашувларда Жиззах туман тиббиёт бирлашмасига қарашли «Зиёкор» КВП мудири Луиза Усмонова, Жиззах политехника институти ўқитувачиси, ЎзХДП фаоли Парда Шукоров ва бошқалар сўзга чиқиб, номзод дастурида илгари сурилаётган ғояларни қўллаб-қувватлашларини билдиришди.

Ишончли вакил сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди ва уларни Президент сайловида Хатамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Хусан АБДУНИЯЗОВ,
Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

КОНСТИТУЦИОН ВЎҚУҚНИ ЧЕКЛАШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Қонун ҳужжатларида фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда етарли ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши билан биргаликда, сайловнинг очик ва ошқора ҳамда қонуний ўтказилишини таъминлаш мақсадида муайян мажбуриятлар, жавобгарлик масалалари ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг VI боби «Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик», деб номланган. Ушбу бобдаги тегишли моддаларда сайловга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масалалари белгиланган.

Жумладан, ушбу Кодексга асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашуш, уларнинг ишига тўсқинлик юзасига келтириш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш, сайловни молиялаштириш, жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари таҳминларини, шунингдек, сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузишга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қатъий белгиланди.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 146-147-моддаларида сайловни ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-

рининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ҳужжатларини қалбақлаштириш, сайлов ёки имзо арақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш, шунингдек сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарлик масалалари ҳам назарда тутилган.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сайловни ўтказишнинг Қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузув-

Қонун ҳужжатларида фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда етарли ҳуқуқ ва эркинликлар берилиши билан биргаликда, сайловнинг очик ва ошқора ҳамда қонуний ўтказилишини таъминлаш мақсадида муайян мажбуриятлар, жавобгарлик масалалари ҳам назарда тутилган.

чи шахслар Президентни сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишга зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари белгиланган йўсинда жавобгар бўладилар.

Номзодларнинг шаъни ва қадриятларига доғ туширадиган сохта

маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Мазкур Қонуннинг 4-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди.

Маълумки, Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тузилади. Округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ

депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Участка сайлов комиссияларининг аъзолари эса халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади.

Хўш, уларнинг фаолияти қонунларда қандай қафолатланган, деган табиий савол туғилади.

Маълумки жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51^а-51^б-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашуш,

уларнинг ишига тўсқинлик юзасига келтириш, уларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди, шунингдек, комиссияларнинг муносабатларини қўриб қиқилиш гайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни қўриб қиқилиш муқаддатларини узурли сабабларсиз бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Хабарингиз бор, шу кунларда сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ёклаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият — сайловолди ташвиқоти қизғин давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишга ҳақли бўлиб, улар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президентини этиб сайлаш учун тарғиб олиб борадилар. Қонун ва Кодексларимизда сайловолди ташвиқотини олиб бориш билан боғлиқ фаолият қафолатлари ҳам алоҳида эътиборга олинган.

Маълумки жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартибининг номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузилиш, шунингдек, номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқла-

ри бузилиши белгиланган микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Кодекснинг 51^а-моддасига асосан сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш ҳам тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради.

Қайд этиш ўринлики, мамлакатимизда сайлов тизимини янада демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар халқроқ ташкилотлар, хорижий экспертлар томонидан юқори баҳолашмоқда. Бундай эътиборлар, жумладан, Парижда ташкил этилган «Сайлов тизимини демократлаштириш ва парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқроқ амалиёт», Тошкентда ташкил этилган «Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва демократик сайловларни ўтказишнинг халқроқ стандартлари» каби халқроқ конференциялар ва давра суҳбатларида билдирилган.

Буларнинг барчаси юртимизда ривожланган демократик давлатларда бўлгани каби кўппартиявий тизим қарор топти, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани, энг муҳими, сайлов тизимини қонунчиликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганидан далолат беради.

Зеро, қонунларга сўзсиз амал қилиш, уларнинг ижросини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Зиқрилло МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.

САЙЛОВ —
ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

■ Мамлакатимизда сайлов жараёнларида ошкораликни таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларига кенг имкониятлар яратилган.



Сенат ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

САЙЛОВНИ ЁРИТИШ: МИЛЛИЙ ВА
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Пойтахтимизда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мамлакатимизнинг нодавлат телерадиостудиялари орқали ёритишда халқаро стандартларни қўллаш: миллий тажриба ва жаҳон амалиёти» мавзuida халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎЗЭОАВМА), Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, К.Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда Болгария, Германия, Франция, Дания, Латвия, Литвадан экспертлар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари, сиёсий партияларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Одилов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухаликов ва бошқалар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Айниқса, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконида мутаносиб ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охириги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига

«Ўзбекистонда сайловни демократик тамойиллар асосида ўтказиш бўйича бой тажриба тўпланган».

сайлови бўйича 2016 йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама ҳолис ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ўртасида битим имзолангани кенг йўл очди.

— Ўзбекистонда сайловни демократик тамойиллар асосида ўтказиш бўйича бой тажриба тўпланган, — дейди **ЮНЕСКО катта маслаҳатчиси ва консультанти Могенс Шмидт**. — Сайлов кампанияси жараёнининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётгани, бу жараёнда сиёсий партиялар ва улардан Президентликка кўрсатилган номзодлар учун бир хил ва тенг имконият яратиб берилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси нодавлат телерадиостанциялар томонидан сайлов жараёнлари ўз вақтида ва сифатли ёритилишини, сайлов жараёнларининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган махсус ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Шу асосда хорижий мутахассислар иштирокида семинар-тренинглار ўтказиш, сайловга оид медиа-контентни тайёрлашда хориж тажрибасини ўрганиш, Марказий сайлов комиссияси вакиллари иштирокида «Менинг овозим» ва «Мой

голос» ток-шоуларини, медиа махсуслотларни тайёрлаш, нодавлат телестанциялар эфирини ижтимоий роликлар билан бойитиш, радио ахборот маркази кўмағида нодавлат радиостанцияларни сайловга оид материаллар билан таъминлаш каби йўналишларни ўз ичига олган қатор тадбирлар амалга оширилди.

ЎЗЭОАВМА ахборот маркази ва нодавлат телеканаллар ахборот хизматлари томонидан 12 тадбир, 800 дан ортиқ медиа махсуслот, қарийб 140 телерадиоролик, 12 ток-шоу тайёрланди.

— Ахборот асри журналистлардан нафақат тезкорлик ва ҳолислик, балки ўзига хос янги ёндашувларни талаб этмоқда, — дейди **ЕХҚТнинг Венадаги ОАВ эркинлиги масалалари бўйича эксперти, Литва журналистлари уюшмаси раиси Дайнис Радзавичиус**. — Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ҳам шунга интилаётгани уларнинг сайлов кампаниясини ёритишга оид чиқишларида намоён бўлаётганини кузатдик. Бу борада, айниқса, нодавлат телерадиоканаллар ўзига хос ютуқларга эришаётди. Эфирга узатилаётган материаллар, журналистлар билан суҳбатлашиб, уларнинг интилишларини кўриб, шундай ҳулосага келдик.

Халқаро давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш жараёнини ёритишда нодавлат электрон ОАВнинг роли, бу борада халқаро тажриба ҳақида фикр алмашилди. ЎЗЭОАВМА томонидан амалга оширилаётган нодавлат ОАВ ходимларининг маҳоратини оширишга қаратилган лойиҳалар муҳокама этилди. Тадбир доирасида нодавлат электрон ОАВ ижодий гуруҳларининг мавзуга оид тайёрлаган ижтимоий роликлари тақдими ўтказилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ФУҚАРОЛАРНИНГ
ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ

қонун билан кафолатланади

Конституциямизнинг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулоти тури ва ҳусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 2016 йил 4 декабрь кунини ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Бу сайловнинг тенглик, ошкоралик, адолат ва халқаро демократик талаблар асосида ўтиши тегишли қонунларда белгилаб қўйилган.

Сайлов демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, жамият ва давлат бошқарувида, давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокининг асосий шакли ҳисобланади. Ҳар бир сайловчи ана шу ҳуқуқлардан тўғри ва оқилона фойдаланиши гоёт муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнаомчилигида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида мамлакатимизда демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириш кафолатларини таъминлайдиган миллий сайлов тизими ва унинг мустахкам ҳуқуқий асослари яратилганлигини бугун халқаро экспертлар ҳам эътироф этмоқда.

Сайлов — демократия кўзгуси ҳисобланади. Мамлакатимизда сайлов жараёнларида ошкораликни таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларига кенг имкониятлар яратилган.

Конституциямизнинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикасининг

Комиссия фаолиятини давлат ҳокимияти органлари, сиёсий партиялар, гуруҳлар, жамоат бирлашмаларининг ҳар қандай аралашувидан ҳимоя қиладиган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса, сайловларнинг қонун доирасида адолатли ҳамда демократик тарзда ўтишини кафолатлайди.

Дунёнинг бир қатор давлатларида сайловда овоз беришга фуқароларнинг мажбурияти сифатида қаралади, фуқаронинг сайловдан бўйин товлаши нафақат жарима тарикасидаги жавобгарликка сабаб бўлиши, айти пайтада у озодликдан маҳрум этилиши ҳам мумкин. Юртимизда эса, сайловчи овоз беришнинг мақсадаг мувофиқлиги ҳамда зарурлиги масаласини ўзи ҳал қиларди. Республикаимизда яширин овоз бериш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган бўлиб, сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини ҳар қандай давлат органи, мансabdор шахслар, шунингдек, жамоат бирлашмалари томонидан назорат этишга йўл қўйилмайди.

Қонунчиликда овоз бериш, шу жумладан, муддатидан олдин овоз бериш ҳамда сайловчи турган жойда овоз беришини яширинлигини таъминлаш сайлов комиссияларининг асосий мажбуриятларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, яширин овоз бериш учун кабинаяр ёки хоналар жиҳозланади. Уларда фуқаро сайлов бюллетенига белгини мустақил қўяди. Яширин овоз бериш вақтида кабинада овоз берувчидан бошқа бирор-бир кишининг бўлиши, сайловчига таъсир кўрсатиши тақиқланади. Буларнинг барчаси ҳар бир сайловчининг ҳуқуқлари қанчалки кафолатланганини кўрсатади.

Сайлов — мамлакатимиз тақдири, ҳар биримизнинг келажагимизга ўта дахлдор сиёсий масала ҳисобланади. Шундай экан, мамлакатимиз келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ушбу сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Илҳом ЁРИЕВ,
Юристар малакасини ошириш маркази тингловчиси.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁПРЕЗИДЕНТЛИК ВА
ПАРЛАМЕНТ

сайловлари бошланди




Гаитида президентлик ва парламент сайловлари бошланди. Telesurvtv.net сайтининг маълум қилишича, сайловларда 6 миллион гаитилик овоз беради. Сайлов жараёни хавфсизлигини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида Доминикан Республикаси билан чегаралар ёпилган.

Президент лавозимига 27 киши даъвогарлик қилмоқда. Гаитида 2015 йил октябрда сайловларнинг 1-тури бўлиб ўтганди, бироқ натижалар сайловдод курашининг нопок усулларидан фойдаланганлик ва хавфсизлик нуқтаи назаридан беқор қилинган. Жорий йилнинг 9 октябрга белгиланган янги сайловлар мамлакатта ёпирилган «Мэтью» бурони сабабли кечроқ муддатга қолдирилган эди.

Агар номзодлардан бирортаси 50 фоиз ва яна битта овоз тўплай олмаса, 2017 йил 29 январда сайловларнинг навбатдаги тури бўлиб ўтади.

6,4 МАГНИТУДАЛИ
ЗИЛЗИЛА

қайд этилди



20 ноябрь, якшанба кунини Аргентинанинг гарбий қисмида 6,4 магнитудали зилзила содир бўлди. Бу ҳақда korrespondent.net сайти хабар қилмоқда.

Зилзила ўчоғи Сан-Хуан шаҳридан 25 км. масофада, 115 км чуқурликда жойлашган. Шу боис, у вайрон қилувчи кучга эга бўлмаган. Қурбонлар ва жабрланганлар ҳақида хабар қилинмаган.

ОХИРГИ ҲАФТАДА

Ўрта Ер денгизиде 340
нафар киши чўкиб кетди

Миграция бўйича халқаро ташкилот кейинги бир ҳафтининг ўзида 340 нафар муҳожир Ўрта Ер денгизидан сўзиб ўтаётганда ҳалок бўлгани ҳақида хабар берди.

Breitbart нашри маълумотига кўра, ноябрь ойида Ўрта Ер денгизиде чўкиб кетганлар сони 546 кишини ташкил қилган.

Муҳожирлар бўйича халқаро ташкилот томонидан қочқинларнинг асосий қисми Нигерия, Эритрея, Судан, Гамбия, Кот-д'Ивуар, Гвинея, Сомали ва Мали каби 8 давлат ҳиссасига тўғри келиши таъкидланди.

Бундай статистика кузатувчиларни ҳайрон қолдирган. Улар қочқинларнинг асосий қисми Яқин Шарқдаги урушдан қочиб келаётганлар бўлиб чиқишини тахмин қилишганди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 22 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

- | | |
|-----------------------------------|--------------------------------|
| ■ 1 Австралия доллари 2310,03 | ■ 1 Польша злотийси 754,37 |
| ■ 1 Англия фунт стерлинги 3894,46 | ■ 1 Норвегия крониси 367,58 |
| ■ 1 Дания крониси 449,69 | ■ 1 СДР 4281,03 |
| ■ 1 БАА дирҳами 859,65 | ■ 1 Туркия лираси 934,86 |
| ■ 1 АҚШ доллари 3157,50 | ■ 1 Швейцария франки 3126,24 |
| ■ 1 Миср фунти 181,05 | ■ 1 Сингапур доллари 2211,29 |
| ■ 1 Исландия крониси 27,81 | ■ 1 ЕВРО 3449,89 |
| ■ 1 Канада доллари 2342,71 | ■ 1 Швеция крониси 341,36 |
| ■ 1 Хитой юани 457,87 | ■ 1 Кувайт динари 10376,27 |
| ■ 1 Россия рубли 48,50 | ■ 10 Жанубий Корея вонни 26,64 |
| ■ 1 Украина гривнаси 121,93 | ■ 10 Япония иенаси 284,31 |
| ■ 1 Малайзия ринггити 713,08 | ■ 100 Ливан фунти 209,70 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ТАДБИР

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш —
долзарб масала

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабиде «Ёқилғи-энергетика комплекслари объектларининг саноат ва ёнғин хавфсизлиги» мавзuida илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбирда қайд этилдики, бугунги тезкор ва шиддатли даврда ёқилғи-энергетика комплексларида саноат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун ёнғин хавфсизлиги хизмати замонавий асбоб-анжом ва техникалар билан таъминланган. Соҳада ҳар жиҳатдан етук ва салоҳиятли, жисмоний ҳамда хизмат тайёргарлиги юқори даражада бўлган кадрлар фаолият олиб бормоқда.

Конференцияда нефть ва газни қайта ишлаш, ёқилғи-энергетика комплекслари объектларида саноат ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг

фикр ҳамда мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда тегишли таклиф ва тавсиялар қабул қилинди.

Шундан сўнг республикаимизда ишлаб чиқарилаётган ҳамда республика горнизониде жанговар ҳисобга қўйилган замонавий ёнғин ўчириш техникалари ва анжомлари, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби профессор-ўқитувчилари ва ёш олимлари томонидан яратилган илмий ишланмалар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, юртимизда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлайдиган мустахкам механизми яратилганлиги, илмий ишланмалар амалиётга жорий этилаётганлиги ёқилғи-энергетика комплекслари объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

■ «Мақсадимиз — халқимиз турмуш
даражасини янада ошириш».



ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ХАР БИР ИНСОН УЧУН МУНОСИБ ИШ ҲАҚИ!

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясида «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш Маркази, Республика Байналмилал маданият маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Халқаро бағрикенглик кунига бағишланган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Халқаро бағрикенглик кунига бағишланди

Унда ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, олий ўқув юрталарининг ўқитувчилари, миллий-маданий марказлар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Бош Қомусимизда қонун йўли билан мустақамлаб қўйилган Ўзбекистонда яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳусусида фикр юритдилар.

— Мустақиллик йилларида амалга оширилган илчил сийсат миллиятлараро барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилди ва бундан кейин ҳам мамлакатимизда давлат сийсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади, — дейди Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Мухаммадиев. — Турли жамоат ва давлат ташкилотлари томонидан Халқаро бағрикенглик кунига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистонда шаклланган бағрикенглик маданияти бутун дунёга намуна бўлмоқда. Миллатлараро ҳамжиҳатлик, динлараро бағрикенглик мустақиллик йил-

ларида янада мустақамланди. Ҳозирги кунда хорижий давлатларда юз бераётган ноҳуш воқеаларнинг кўпчилигининг негизиде миллий ва диний низолар ётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

— «Ижтимоий фикр» Марказининг кўп йиллик социологик сўровлари натижалари шуни кўрсатадики, тинчлик ва барқарорликка интилиш, жамиятдаги миллатлараро ва фуқаровий товушлик Ўзбекистонликларга хос хусусиятдир ва бу мустақиллик йилларида эришган энг қимматли ютуқларимиздан бири ҳисобланади, — дейди «Ижтимоий фикр» Маркази бўлим мудирини Нигина Раҳимова. — Марказ томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, мустақиллигимизнинг янада мустақамланиши, миллий стратегиямизнинг қўллаб-қувватланиши кўп жиҳатдан барча этник гуруҳлар ва миллий жамоаларнинг ҳамжиҳатлигига боғлиқдир.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди ва мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Махлиё АЛИКУЛОВА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ДИҚҚАТ! «АГРОБАНК» АТБ ВЕБ-САЙТИДА Виртуал қабулхона иш бошлади

Сўнгги йилларда фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, бу борада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини янада ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. 2014 йилда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бу борада мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қонун талаблари ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида фуқаролар ҳамда талбиркорларнинг мурожаатлари ўз вақтида ҳал этилмоқда.

2016 йилнинг 24 сентябидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимларининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур

ҳужжат фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, уларни ўйлантираётган, ташвишга солаётган масалаларни жойида ўз вақтида ҳал этишга давлат сийсатининг устувор йўналиши сифатида қараш кераклигини кўрсатди. Қарор ижросини таъминлаш учун «Агробанк» акциядорлик тижорат банк томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланиб, тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бу борада замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда.

Мурожаатлар билан ишлашнинг сифатини янада яхшилаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Банк Бошқаруви қарорига асосан «Агробанк» АТБнинг электрон веб-сайтида (agrobank.uz) Бошқарув

раисининг виртуал қабулхонаси ишга туширилди.

Бу билан жисмоний ва юридик шахсларга банк фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай мурожаатларни тўғридан-тўғри виртуал қабулхона орқали Банк Бошқаруви раисига йўллаш имконияти яратилди.

Бундай тизимнинг йўлга қўйилиши фуқароларнинг банк хизматларидан ўз вақтида ҳамда самарали фойдаланишини келиб тушган барча мурожаатларга қонунда белгиланган муддатларда жавоб берилишини таъминлайди.

Мазкур тизимнинг йўлга қўйилиши «Агробанк» АТБ томонидан нафақат Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилаётгани, балки, аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатиш, миқдорларга янада қулайлик яратиш борасида тинимсиз изланишлар олиб борилаётганидан далолат беради.

Банк матбуот хизмати.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2016

Бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари Санкт-Петербург шаҳрида давом этаётган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашмоқда.

ЁШ БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАЛАРИ

Дунёнинг олтиндан зиёд давлатидан уч юздан ортиқ спортчи иштирок этаётган нуфузли мусобақанинг вазни 52 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги беллашуларда Отабек Холматов киргизистонлик Фатхиддин Ҳамроев ва венгриялик Истван Сзакани енгиб, навбатдаги босқичга чиқди.

Вазни 56 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Шунқор Абдурасулов италиялик Маттео Пиррерани, 60 килограммгача вазн тоифасида Билалбек Мирза Раҳимов қозогистонлик Санатали Толтаевни, вазни 64 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида Бехруз Раҳмонов озарбайжонлик Бахтиёр Газибековни мағлубиятга учратди.

69 килограммгача вазн тоифасида иқтидорли боксчимиз Улуғбек Собиров япониялик Жён Куроянаги ва жазоирлик Самир Мекаухе устидан ғалаба қозонди. Вазни 75 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Шохрух Рустамов беларуслик Егор Скомоухов ва озарбайжонлик Расим Чобанлига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Ёш спортчимиз Санжар Турсунов 81 килограммгача вазн тоифасида литвалик Виландас Валциукасни, вазни 91 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасида Шохрух Раҳимов хитойлик Ремула Абдурехитунни мағлуб этди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
9867
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:30
Topshirilgan vaqti — 21:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5 6